*Ўзбекистон ва жаҳон*

# САМАРАЛИ ИЛМИЙ САФАР

Буюк Британиядаги «Мерси Прожект» хайрия ташкилоти жаҳондаги қатор мамлакатлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйган. Бу нуфузли ташкилот Ўзбекистон билан ҳам борди-келди муносабатларини ташкил этмоқда.

Мазкур ташкилот махсус таълим муассасаларида ногирон болаларга таълим ва тарбия бериш, уларни мустақил ҳаётга йўллаш каби тарбиявий-маърифий масалалар билан яқиндан шуғулланаётгани туфайли биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан шартнома тузди. Ана шу ҳамкорлик ҳужжатида ўзаро тажриба алмашиш, таълим-тарбия соҳасидаги илғор иш усулларини қўллаш сингари қатор масалалар ҳам ўз ифодасини топди. Шу мақсадда борди-келди алоқалари ҳам йўлга қўйила бошланди.

Шартномага мувофиқ «Мерси Прожект» ташкилоти таклифи билан бир гуруҳ ўзбек дефектолог мутахассислари Англия сафарида бўлдилар. Республика таълими илмий-методика марказининг етакчи мутахассислари шу сафар чоғида Буюк Британияда ногирон болалар таълим-тарбияси билан боғлиқ қатор маърифий жараёнлар билан атрофлича танишдилар.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Лондон шаҳридаги кўзи ожизлар қироллик институтига таклиф қилиндилар. Бу ерда кўзи ожиз болалар таълими бўйича олиб борилаётган илмий тажрибалар, шу мавзуларда амалга оширилаётган тадқиқотлар делегация аъзоларида қизиқиш уйғотди.

Лондондаги «Жозеф Кларк» мактаби иш тажрибаси ҳам меҳмонларда яхши таассуротлар қолдирди. Ройгет шаҳридаги «Линден» мактабида йўлга қўйилган таълим-тарбия ишлари ҳам эътиборни ўзига тортди. Бу мактаб ақли заиф болалар маънавий камолоти борасида бой тажриба орттирган бўлиб, бу таълимий жараёнлар қатор йирик қўлланмалар учун асос бўлиб хизмат қилган.

Шунингдек, дефектологлар Редхил шаҳридаги кўзи ожизлар коллежи, Совиноукус шаҳридаги «Дортенхаус» мактаб-интернати педагогик жамоалари шу кунларда олиб бораётган илмий методик кузатишлари натижалари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Ушбу илмий сафар гуруҳ аъзоларини кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, ақли ногирон болалар билан ишлаш борасида инглиз педагог мутахассислари орттираётган илғор усуллар билан қуроллантиришда муҳим таълимий аҳамият касб этди. Бундай бой тажрибаларни республикамиз шароитида қўллаш мақсадида республика ўқув-методика маркази мутахассислари қатор тавсиялар тайёрлашга киришдилар.

Рашид АНВАРОВ.

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

# ҲАЯЖОНЛИ КЕЧА

Ватан олдидаги муқаддас бурч — ҳарбий хизматга кузатиш пайти бўлажак аскарлар учун энг ҳаяжонли дамлар ҳисобланади.

Куни кеча навбатдаги чақириқ билан мустақил ватан хизматига отланган, яккасаройлик бир гуруҳ бўлажак юрт посбонларини тантанали кузатиш маросими уларнинг эсида жуда узоқ сақланадиган бўлди. Туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирга ёш аскарлар билан бирга кекса фахрийлар, мудофаа бўлими ходимлари, туман раҳбарлари ва санъаткорлар ҳам таклиф этилдилар.

Кечани Яккасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов кириш сўзи билан очди.

— Азиз фарзандларимиз, бугун сизларга тилагимиз битта — муқаддас хизматни аъло даражада бажариб, ёруғ юз билан қайтингиз, — деди жумладан туман ҳокими. — Биз сизларни қучоқ очиб кутиб олайлик. Туманимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун сизлар билан биргаликда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Шундан сўнг истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов сўзга чиқиб, юртбошимиз томонидан Ватанимизнинг ҳарбий салоҳиятини такомиллаштириш учун берилаётган алоҳида эътибор, фахрийларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ҳақида гапириб берди.

Бу йил фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 50 йиллиги бутун МДҲ бўйлаб кенг нишонланди. Шу муносабат билан Украина Республикаси томонидан таъсис этилган «Украина озод этилганлигининг 50 йиллиги» медаллари билан кўплаб қаҳрамон фахрийларимиз ҳам тақдирландилар. Собиржон Охунжонов ана шундай медалларнинг бир нечтасини яккасаройлик кексаларга тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг котиби Боймурод Юсупов ҳам бўлажак посбонларга оқ йўл, аъло хизмат тилаб, шундай деди:

— Ҳадемай буюк боболаримиз қадами тегиб шон-шуҳрат қозонган Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳар ва вилоятларда ўз бурчларингизни бошлайсизлар. Шуни унутмангки, сизлар ўзининг беқиёс ҳарбий иқтидори билан бутун жаҳонни лол қолдирган соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзоларнинг авлодларисизлар. Томирларингизда буюк боболар қони жўш урар экан, сиз ҳам уларнинг шон-шавкатларига муносиб фарзандлар бўласизлар, деб ишонамиз. Яқинда АҚШда ўтказилган ҳарбий машқлар намойишида юртимиз номидан қатнашган бир гуруҳ ҳарбийларимизнинг маҳоратлари юксак баҳолангани ҳам албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Тантанали кечага таклиф этилган ҳурматли меҳмонлар ва бўлажак аскарлар саҳий куз тароватини инган тўкин дастурхонга таклиф этилдилар. Яккасарой тумани маданият бўлимига қарашли «Хуршид» маданият уйининг «Мовий нур» дастаси уларга хизмат кўрсатди. Айниқса, кеча сўнгида хушовоз хонанда Каромахон Худойбердиеванинг шўх яллалари барча ёшларни даврага чорлади. Хуллас, ушбу шодиёна бутун хизмат даври давомида яккасаройлик аскарларнинг хотирасида сақланадиган бўлди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

***Ким ҳам қўшиқ айтишни истамайди, дейсиз. Лекин бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермас экан..***

***Ҳар кимнинг дарди макон айлаган ўз қўшиғи бор. Мени, сизни, яна кимнингдир юрагига қўшиқлари йўл топа олган овоз эл назарига тушади. Кўпчиликка таниш бўлган мухлислари, сиз ҳам беихтиёр қўшиққа ҳамоҳанг хиргойи қиладиган «Мен ёшликман, мен ёшликман, ё-о-о-шликман», дея куйловчи қўнғироқдек овоз ёдингизга тушдими?! Танидингизми?.. Бугунги суҳбатдошимиз Мавлуда Ойнақулова.***

*Санъат сеҳри*

# «АРМОН БЎЛМАСИН»



**— Мавлулда опа, ўзингиз айтганингиздек сира ўзгармабсиз.**

— Раҳмат.

**— Охирги пайтларда телеэкранда, радиода унчаям фаол эмассиз...**

— Тамарахоним жамғармаси қошида 1992 йил Тамарахоним музейи очилган эди. Ҳозир музейда опанинг ашулаларини ўрганаяпман.

**— Янглишмасам куй-қўшиққа ошно гўзал воҳаданмисиз дейман?**

— Санъатга ошно гўшадан эканлигим рост. Лекин хоразмлик эмасман. Тошкент вилоятидаги Ўртачирчиқ туманининг Аскарлик деган жойи бор. Ўша ерда туғилганман. Оила аъзоларимизнинг барчаси ё қўшиқ айтади, ё мусиқа асбобларидан камида биттасини чалишни билади, десам лоф эмас.

**— Илк саҳнага чиққан кунингизни эслай оласизми?**

— Ўқувчилик даврларимда қўшиқ айтар эдим. Биринчи устозим — мусиқа муаллими С. Норлибоев мени санъатнинг сеҳрли салтанатига, қўшиқнинг сирли оламига етаклаганлар.

**— М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ансамбли жамоасига келишингиз тарихи қандай бўлган?**

— 1971 йил Республика вокалистларининг танлови бўлиб ўтган. Кўрикда мен ҳам иштирок этган эдим.

Минг бир истиҳола, ҳаяжон билан, амаллаб қўшиқни айтиб, энди саҳнадан тушаётганимда «Лазги» ансамбли раҳбари Гавҳархоним Раҳимова «Қўшиқ айтишни яхши кўрасанми?» дедилар. Мен «Ҳа» дедим. «Мен билан кетасанми, сенга қўшиқ айтишни ўргатаман» дедилар. Мен қўрқа-писа «Агар ойим рухсат берсалар...» дедим.

Ўша кезлар 9-синфда ўқир эдим. Ўқиш қолди. Мен Тошкентга келдим.

**— Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси кунларида муваффақиятли чиқиш қилдингиз. Ана шу кунлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

— Ўзбекистон Республикаси кунларидан ижодий илҳом, янги-янги ғоялар билан қайтдим. Қозоғистондаги бу кунлар каттагина танаффусдан кейин бўлди.

**— Санъаткор учун қилган меҳнатларининг, изланиш, ижодининг самараси мухлислари муносабатида билинади. Саҳнага чиқиш, мухлислар олдида «имтиҳон» бериш ғоят масъулиятли, ҳаяжонли иш. Саҳнага чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кўнгилда ўзига ишонч, журъат керак. Сиз қўшиқчи эканлигингизга қачон ишонгансиз?**

— 1975 йил Тунисда Жаҳон Ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда мен дугонам Урбигул Суярбоева билан гармонда ашула айтганмиз. Нимаям бўлди-ку, эртанги саҳнага чиқишга дастуримизда йўқ «Ёр-ёр» ва арабча қўшиқ айтишимиз керак бўлиб қолди. Матнни ёдладик. Саҳнадамиз... Арабча қўшиғимиз охирига етар-етмас бутун зал оёққа туриб, бизни олқишлади. Оний лаҳзаларда мен кимлигимни англаб етдим.

**— Қўшиқ нима?**

— Қўшиқларим — менинг ўзим!

**— Назаримда Тамарахоним ҳақида сўз очмоқчидексиз...**

— Кўнглимдагини топдингиз. Қўшиқ айтиш бор, қўшиқда яшаш, тингловчини қўшиқда яшаттириш, уни юрагини гапиртириш бор. Тамарахоним қўшиқларида яшаётган буюк устоз санъаткордир. Опа 80 хил тилда қўшиқ айтганлар. Қайси халқ орасига бормасинлар уларнинг қўшиқларини ўзлаштириб олганлар. Қўшиққа хатти-ҳаракатларга мослаб костюмлар тиктирганлар. «Санъат — фидойиликни талаб қилади», — деганлари нима эканлигини мен Тамарахонимда кўрганман.

**— Умр — тоғ, инсон чўққига машаққат билан чиқади. Кейин эса манзил сари йўл соламиз. Жисмингиз давоми фарзандларингиз бўлса, яхши ишларингиз давомчилари шогирдларингиз бўлади. Шогирдларингиз — сиз амалга оширган, режалаштирган ишларингиз рўёби. Вақт—олий ҳакам. У тинмай умр дафтарининг варақларини бир-бир очаверади. Чамамда сизнинг ҳам умр дафтаридаги устозлик боби очилгандек...**

— Ҳали шогирд тайёрлай олганимча йўқ. Тамарахонимнинг қўшиқларини қайтадан тиклаб олишдек масъулиятли вазифани, бурчни адоғига етказсам, устоз бўлишга тайёрман, дея оламан.

**—Ўзбек қўшиқчилиги ҳам ўзининг серқирралигини намоён этаяпти. Бора-бора айтишувлар ҳам эшитаяпмиз...**

— Қадимдан Шарқ қўшиқчилигида ҳазил-мутойиба тарзидаги айтишувлар бор. Лекин шахсиятга тегадиган айтишув ҳеч қачон халқни тарбияламайди, обрў ҳам олиб бермайди.

**— Халқимизнинг «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» мақоли айнан санъат аҳли учун айтилганлиги, афсуски бу мақол бугунги куннинг ҳаваскор-санъаткорларининг кўзгуси бўлиб қолаётганлигидан киши ташвишланади.**

— Санъат йўлига қадам қўйган ёшларимиз устоз-шогирдлик анъаналарига жиддий эътибор қаратмоқликларини хоҳлар эдим. Ҳозир уларнинг кўпчилиги устоз кўрмаган. Улар матн, куй мутаносиблигини, мусиқадаги оҳанглар қандай бўлиши лозимлигини ҳис этишмайди.

Энг ачинарлиси ва оммавийлашиб кетаётгани шарқ халқлари оҳангларига ўзлари матн қўйиб, қўшиқ «пайдо қилиш» ҳоллари кўпаяётгани.

**— Мавлуда опа, сизни лирик хонанда сифатида яхши биламиз. Ўзингизни эстрадада синаб кўриш ниятингиз йўқми? Айни пайтда кимлар билан ижодий ҳамкорсиз?**

— Тамарахоним ижодий меросини ўрганиш билан бирга янги концерт дастури ҳам тайёрламоқдаман. Композитор Дилором Омонуллаева билан қўшиқ ёздик. Улар — «Армон бўлмасин», «Фарзандингман», «Она юртим», (бу қўшиқ Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига туҳфам бўлди), «Тушларингга кирайин», «Сен менинг соғинчимсан» қўшиқларидир. Бугунги кунда М. Мирзаев, Д. Омонуллаева, С. Ҳайитбоевлар билан ижодий ҳамкорлик қилаяпман.

**— Мавлуда опа мабодо мулкдор бўлиб қолганингизда нима қилар эдингиз?**

— Мулкдор бўлиб қолсам... Биласизми, битта овоз ёзиш студияси очган бўлар эдим. Ҳеч кимга ялин-и-и-и-б вақтимни кетказиб юрмасдим.

**— Мухлисларингизга тилакларингиз?**

—Мен мухлисларимни севаман. Улар санъатни тушунишларини ва ҳурмат қилишларини истайман.

Маҳлиё МИРСОАТОВА суҳбатлашди.

*Турфа олам*

## СЎЗЛАШУВЧИ МАЙМУНЛАР

Бир неча йил мобайнида америкалик олимлар бир гуруҳ маймунларни кар-соқовлар тилида «гапиришга» ўргатишмоқчи бўлишган эди. Тажриба натижаси ёмон бўлмади. Шимпанзелар юздан ортиқ сўздан фойдаланиб, одамлар билан «гаплаша олишган». Айрим турдаги маймунлар сабоқни шундай ўрганиб олишган-ки, бу «сўзлашув» кўпларни ҳайратга солган.

Кунлардан бир куни шимпанзелардан бири кар-соқовлар тилидан фойдаланиб, «Менга қизил олмани бер» деган. Тажриба ўтказаётган олимлардан бири атайин маймунга сариқ олма берган. Шунда маймуннинг жаҳли чиққан ва «Йўқ, қизилини бер!» дея «дўқ» ҳам урган.

## МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

80 ёшли Скотти Вульф ўзининг 27-мартда уйланишининг 3 йиллигини зўр тантана қилди, деб ёзади хорижий журналлардан бири. Чунки унга бу йил бахт кулиб боққан. Бундан уч йил муқаддам 14 ёшли филиппинлик қиз кўп марта уйланганлиги муносабати билан Гиннеснинг рекордлар китобига тушган қария турмуш ўртоғининг 24-си билан ҳам ажрашгани тўғрисидаги хабарни ўқиб қолиб, америкалик отахонга ўз сурати билан унга турмушга чиқишга розилиги ҳақида хат битади. Аммо улар никоҳдан ўтишгач, бир йилдан зиёд айрилиқ гирдобига мубтало бўлишади. Сабаби Дейзи 16 ёшга тўлмагунча Америкага бориш ҳуқуқи йўқ эди. Филиппин қонунлари шуни тақозо этарди. Ўз-ўзидан маълумки, америкалик куёв ҳам ичкуёв бўлишни истамади. Фақат Дейзи балоғат ёшига етгач, севимли ёри васлига 25-хотин бўлиб эмас, балки 27-хотин бўлиб етишди. Сабаби Вульф бу орада яна 2 маротаба уйланиб ажрашишга улгурган эди.

Дили ОРОМ тайёрлади.

*Ҳунар масканларида*

# НИҲОЛНИ ПАРВАРИШ ҚИЛГАНДЕК

***Жамиятимизнинг ёрдамга муҳтож бўлган қатлами, яъни ногиронларни бугунги бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига муҳим эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқдир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ривожланишида турли нуқсонлар бўлган ногирон болаларни ижтимоий қўллаш, уларга таълим-тарбия бериш, тиббий, моддий ёрдам ишларини ташкил қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш бўйича янги иш услубларини ўрганиш ва уларни ҳаётда қўллаш бўйича анча ибратли ишлар қилиняпти. Вазирликка қарашли Республика ҳунар-техника билим юртида ҳам она шундай масъулиятли вазифани амалга ошириш йўлида кейинги вақтда анча ижобий ўзгаришлар рўй беряпти.***



Бундан қарийб 3 йил муқаддам Чопон ота мавзесида ногирон болаларни лаёқатли меҳнатга тортиш, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ушбу ҳунар маскани фаолият бошлаган эди. Ўтган давр давомида минглиб йигит-қизлар ҳаётда ўз ўринларини топдилар.

Собиқ битирувчилардан кўплари бугунги кунда билим юртида қолиб янги авлодга касб-ҳунарнинг нозик сирларини ўргатмоқдалар. Лекин йиллар ўтиши билан билим юрти биноси анча путурдан кетиб, айниқса ётоқхона талабга жавоб бермай қўйган эди. Касб ўргатишда олға силжиш рўй берсада, шарт-шароит масаласи ўзгармай қолаверди. Билим юртига Барот Каримов раҳбар бўлиб келдию ижобий, ўзгаришларга катта йўл очилди. Асосий иш таъмирлашдан бошланди. Ётоқхонанинг 4 қавати бўйича марказий сув иситиш тармоқлари янгиланди, хоналардаги жиҳозлардан тортиб оддий кийим илгич шкафларигача тўла таъмирланди, деразаларга михлаб қўйилган фанерлар ўрнига ойналар ўрнатилди. Билим юрти ҳудудида жойлашган ошхона барча жиҳозлари янгиланди.

Таълим олаётган болаларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун билим юрти ҳовлисида ҳам кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

— Биз ўқувчиларни ўқитиш мобайнида уларнинг руҳий оламига киришга ҳаракат қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда билим юрти раҳбари Барот Каримов. — Ниҳолни парвариш қилгандек, болаларнинг истаклари, қувонччу ташвишларини англаган ҳолда уларга муомала қиламиз. Чунки уларнинг кўнгли нозик, кўпинча асаблари таранг туришини ҳисобга олиш лозим. Баъзилари дарс пайтида узоқ ўтира олмайдилар. Бундай пайтда болага дам ҳам бериб туриш керак. Шунинг учун ўқитиш билан бир қаторда улар учун яратилган шарт-шароитлар муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳунар масканига йигит-қизларни республикамизнинг турли вилоят, туманлари ҳамда Тошкент шаҳридан йўлланма билан қабул қиламиз. Бугунги кунда 450 ўқувчи билим юртида радио тузатадиган, уй-рўзғор асбобларини тузатувчи, оёқ кийим, аёллар устки кийими ҳамда эркаклар костюм-шимини тикувчи, соатсозлик, бухгалтерлик ва бошқа касблар бўйича таҳсил олмоқдалар. Ўқишни тугаллаганларга ўрганган ҳунарлари бўйича диплом ва ўрта мактабни тугатганликлари учун етуклик аттестати ҳам берилади. Уларга Қаҳҳор Сатторов, Сайёра Алихонова, Ботир Ҳошимов, Машкура Халилжўжаева каби ўз касбининг моҳир усталари ҳунар ўргатадилар. Ўқувчилар керакли зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 6 та тикув цеҳида, рўзғор асбоб-ускуналарини таъмирловчи устахона ва қолган касблар бўйича ҳам барча қулайликларга эга хоналарда амалий машғулотлар ўтишади.

Яқинда билим юртининг ўзгартишлар киритилган янги низомини қабул қилдик. Низомга «Билим юртида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб даромад қилиш мумкин», деган банд ҳам киритилди. Шунга кўра аҳолидан радио, телевизор, совутгич, кир ювиш машиналари, чанг ютгич ва соатларни таъмир қилишга қабул қиляпмиз. Аҳолининг талабини эътиборга олиб «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» растаси лойиҳасини ишлаб чиқдик. Яқинда билим юртининг Волгоград кўчасига қараган томонида қурилиш ишлари бошланади. Барча ишларни «Ишкомсой» номлик кичик қурилиш корхонаси олиб боради.





Шунингдек, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда билим юрти равнақи учун 12 банддан иборат 2000 йилгача билим юртининг «Истиқлол» режасини ҳам тузиб чиқдик.

Дония ЗОКИРОВА.

*СУРАТЛАРДА: билим юрти ҳаётидан лавҳалар: 1. Билим юрти жамоаси «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш растаси» лойиҳасини муҳокама қилмоқда. 2. Бўлажак соатсоз усталар (чапдан) Миродил Ҳошимов ва Баҳодир Холёров. 3. Уста Гулчеҳра Нормуҳамедова 1-курс талабаларига тикиш сирларини ўргатмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Мавсум режалари*

# АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри 12 сентябрь куни ўзининг навбатдаги 78-мавсумини муваффақиятли бошлаб юборди. Бизнинг театр бош директори, Халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ билан бўлиб-ўтган суҳбатимиз ҳам шу мавзуга бағишланди:***

— Ҳамза театри республикамизнинг энг кекса санъат даргоҳидир. Неча-неча буюк актёрлар, санъаткорларнинг номи шу театр билан боғлиқдир. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов каби моҳир, устоз режиссёрлар унинг асосчилари ҳисобланади. Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Зайнаб Садриева каби ноёб истеъдод эгалари ижод қилган ушбу даргоҳда ҳозир биз ана шу буюк устозларнинг юрган йўлларидан юриб, ажойиб анъаналарини давом эттиришга интилмоқдамиз. Янги мавсумни бошлаб юбордик, бошқача айтадиган бўлсак 78 га кирдик. Шу вақт мобайнида элга манзур бўладиган юзлаб спектакллар намойиш этилди. Неча-неча авлодлар Ҳамза театрининг спектаклларида тарбия топди. Унинг саҳнасида жаҳон классикасидан тортиб, замонавий ўзбек драматургларининг спектакллари мавжуд. Халқимизнинг улуғ фарзандлари Алишер Навоий, соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Ибн Сино, Ал-Беруний, Зебуннисо, Нодирабегим, Тўмарис кабилар ҳақида саҳна асарлари қўйилган. 78-мавсумни Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган «Уфқ» спектакли билан очдик. Сабаби у авваламбор янги томоша ҳисобланади. Қолаверса, «Уфқ» томошабинлар томонидан ҳам, мутахассислар томонидан ҳам мамнуният билан кутиб олинди, олқишларга сазовор бўлди. Жамоамизнинг атоқли санъаткорлари иштирок этган бу спектакль олий мукофотга ҳам сазовор бўлган. Томошани кўрган кишининг уруш даҳшати кўз олдида жонланиб, юртимиздаги барқарор тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етади. Бу йил томошабинларга яна иккита янги спектакль ҳадя этдик. Ҳайитмат Расулнинг «Муҳаббат султони», америкалик адиб Жон Патрикнинг «Кампирни гумдон қилмаймизми» томошалари шулар жумласига киради. Театрда айни пайтда қизғин ижодий жараён давом этяпти. Янги спектакллар устида иш бошланган. Булар — Ватанимиз мустақиллигига бағишланган, Ўткир Ҳошимовнинг асари асосида Бойназар Матназаров саҳналаштирган «Қатағон» спектакли, Ҳайдар Муҳаммаднинг Ўзбекистон милициясига бағишланган «Жиноят устида ушлансин» асари (режиссёри Марат Азимов), бошқирд драматурги Фарид Багданов қаламига мансуб «Тунги ташриф» пьесасини Ёдгор Саъдиев режиссёр сифатида саҳнага олиб чиқяпти. Булардан ташқари биз яна бир классик асарни театрда қайтадан қўймоқчимиз. Бу Шекспирнинг «Қирол Лир» асаридир. Ундаги бош роль Қирол Лир сиймосини Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби Тургун Азизов ижро этишга тайёргарлик кўряпти.

Театрнинг азал-азалдан асосий вазифаси халққа ҳалол хизмат қилишдир. Ўйлайманки, жамоамиз янги мавсумда ҳам бунинг уддасидан чиқаяпти.

Назокат УСМОНОВА.

